



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 8 ноябрь, № 218 (5638)

Пайшанба

Токиода Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдими

Яқинда Япония пойтахти Токиода Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда Кунчиқар мамлакатнинг етакчи сайёҳлик компаниялари, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, маданий-гуманитар доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Биз ва жаҳон

Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти, ушбу соҳа тараққиётидаги устувор йўналишлар, ўзбек халқининг ўзига хос маънавий-маданий мероси, юртимиз заминидagi бекор тарихий-меъморий обидалар, ўлканинг географияси, табиий ва иқлим шарт-шароитлари тўғрисидаги маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Хусусий фирмалар фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда сайёҳлик индустрияси инфратузилмасини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тақдимот қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

Тадбир сўнггида Япония жамоатчилигининг вакиллари "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Жумладан, Япония Сайёҳлик агентликлари уюшмасининг ижрочи директори Хироши Савабе таъкидлаганидек, Ўзбекистон сайёҳлик соҳасининг кўплаб вакиллари иштирокида ўтган мазкур тақдимот маросими Япония компаниялари ва жамоатчилиги учун мамлакатимиз билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. "Ўзбекистон эга бўлган бой сайёҳлик салоҳиятидан хабар топган ҳар бир кишининг қалбида ўлкангизни ўз кўзи билан кўриши астаги туғилади", деди у.

Х. Савабе Буюк Ипак йўлида сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳамда Ўзбекистон заминининг бой маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш,

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда "Микро-молиялаш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", шунингдек, бошқа бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Барқарор молия-банк тизими

жадал тараққиётга эришишда муҳим аҳамиятга эга

Айниқса, "Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг аҳамияти ва мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилиб, у қизгин муҳокама қилинди. Айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат, Концепцияда белгилаб берилган қонунчилик ташаббуслари рўйи демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий эркинлаштиришни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Чунки, "Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши молия-банк тизимини янада раванқ топтириш,

хусусий банк ва бошқа хусусий молиявий ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, шу орқали ушбу соҳага хусусий капитални жалб этишни янада кенгайтиришда муҳим пойдевор бўлиши, шубҳасиз.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи йиғилишларида мазкур қонун лойиҳаси сайловолди платформаларда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда чуқур таҳлил қилинди, уни янада маромига етказиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Аввало, шуни қайд этишни истардимки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши партияимиз сайловолди дастурига тўла мос келади, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг куйи палатадаги фракцияси аъзоси Фахридин Зоиров. — Шу боис уни янада такомиллаштириш мақса-

дида фракцияимиз аъзолари бир қатор вилоятларда қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўйича учрашувлар ўтказишди. Уларда минглаб тадбиркорлар ҳамда соҳа вакиллари қатнашди. Билдирилган тақдир ва мулоҳазалар эса ишчи гуруҳига тақдим этилди. Дарҳақиқат, қонун лойиҳасида хусусий банклар ва молия институтларига берилаётган эркинликлар моҳияти, кафолатлар тизими, соҳанинг очиклиги, сармояларга яратилаётган қўшимча имкониятлар кўзда тутилган. Фракцияимиз аъзолари фикрига кўра, тақдим этилган қонун лойиҳаси хусусий банк ва молия институтлари раванқи ҳамда ушбу соҳага хусусий капиталнинг фаол кириб келиши учун зарур бўлган қатор кафолатлар тизimini яратиб беради. Шунинг учун ҳам уни электоратимиз манфаатидан келиб чиққан ҳолда қўллаб-қувватлаймиз.

(Давоми 2-бетда).

Асосий мақсад — тадбиркорликни ривожлантириш

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун БМТнинг Ўзбекистон ҳамда хориждаги тендер харидлар тизимида қатнашиш имкониятлари тақдими ўтказилди.

Семинар

Унда фармацевтика, қурилиш, мебелсозлик, босмахона ҳамда инфо-мация технологиялар соҳасида фаолият юритаётган 60 дан ортиқ ишбилармонлик субъектлари иштирок этди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилати ўзининг кўплаб лойиҳалари билан мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса

қўшиб келади. Шу жумладан, мазкур ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам фаол қатнашмоқда. Ушбу йўналишда кейинги уч йиллик таҳлилга кўра, маҳаллий таъминловчилар йиллик ялпи ҳаридларнинг ярмини ташкил этгани ана шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

Репродуктив саломатлик омили

«Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасидан.

Аёл. Оила. Жамият

Юртимизда истиқлол йилларида аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналар ва болалар соғлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилмоқда.

Зеро, жисмонан соғлом, маънан етув ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғили-

ши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари мазкур йўналишдаги ислохотлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишини таъминлаш учун, аввало, мавжуд муаммолар ва уларнинг асосий сабабларини аниқлаш ҳамда тегишли чораларни ўз вақтида кўриш муҳим ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик

Сурхондарё вилоятининг чекка туманларидан бири — Сароисиё истиқлол йилларида ўзгача чирой очмоқда. Бу ерда қад ростлаётган намунавий лойиҳадаги янги тураржойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сони кун сайин кўпайиб, туман маркази ҳамда қишлоқлар кўрғига кўрк бағишламоқда.

Замонавий таълим масканлари

ёшларнинг етув ва билимдон бўлиб вояга етишлари учун хизмат қилади

Айниқса, бу ерда яқиндагина қурилиб, фойдаланишга топширилган 4-Болалар мусика ва санъат мактаби биноси келажакка умид билан боқаётган маҳаллий ўғил-қизлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 856 миллион 249 минг сўмлик ушбу замонавий иншоотни Худойназар Набиев раҳбарлик қилаётган "Махсусқурилиш-таъмирбутовлаш" масъулия текланган жамиятнинг қўли гул қурувчилари барпо этди.

— Бугуннинг ёшлари чинакам бахтли, — дейди мазкур мактаб директори Хўжакул Қурбонов. — Қишлоқ ва шаҳарларимиз-

да улар учун жаҳон андозаларига мос замонавий умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва бошқа ихтисослаштирилган ўқув даргоҳлари қурилмоқда. Ижодкор, санъатга ошно тутинган мурғак қалблар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан эса ота-оналар мамнун. Ишончимиз комилки, бебаҳо муслиқий меросимиз ҳамда жаҳон мумтоз санъати намуналаридан баҳраманд бўлиб вояга етаётган бугунги ўғил-қизлар орасидан келгусида Ўзбекистонимиз доврғини дунёга тарата оладиган истеъдод эгалари етишиб чиқади.

(Давоми 4-бетда).

Тўқимачилик саноати:

Инвестиция ва иқтисодий юксалиш

Модернизация



Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги "Навбахор текстиль" хорижий корхонаси ҳам мазкур йўналишга ихтисослаштирилган илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Утган икки ярим йил давомида бу ерда 5 миллион АҚШ долларидан ортиқ тўғридан-тўғри чет эл сармоиси ўзлаштирилди.

— Фаолиятимизни 2007 йилда калава ип тайёрлаш билан бошлаган эдик, — дейди кор-

хона бош директори Шерзод Жумаев. — Утган даврда цехларимизни замонавийлаштирдик. Кўп ўтмай, маҳсулотларимиз тўлиқ экспорт қилина бошланди. Буюртмалар кўпайиши билан мавжуд қувватларни янада ошириш эҳтиёжи юзага келди. Шу асосда 220 кишилик жамоамиз билан модернизация ишларига киришдик.

2009 — 2011 йиллар мобайнида Швейцариянинг "Rieter" ҳамда Германиянинг "Trutcher" компаниялари томонидан тайёрланган, пахта толасидан калава ип ишлаб чиқарадиган 3,5 миллион АҚШ долларлик технологик линияни олиб келиш ўрнатдик. Натихада қайта ишлаш ҳажми ортиб, маҳсулотларимиз сифати янада яхши-

ланди. Бунда Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган имтиёزلардан самарали фойдаландик.

(Давоми 2-бетда).

МАҲСУЛОТЛАР ТАННАРХИ АРЗОНЛАШМОҚДА

2012 йилнинг тўққиз ойида республикамиздаги йirik саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи

10,7 фоизга пасайтирилди.

Энергия ресурсларини тежаш, технологик жараёнларни оқилонга ташкил этиш, хом ашё ва материалларни сарфлаш меъёрларини белгилаш ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш юзасидан кўрилган изчил чора-тадбирлар натижасида ана шундай муваффақият кўлга киритилди.

Тошкентда 7 ноябрь кuni Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда икки мамлакатнинг савдо, сармоя, иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, металлургия, енгил саноат ва тўқимачилик, тиббиёт, фармацевтика, кимё ва озик-овқат саноати, электрон маҳсулотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, концерн ҳамда компаниялари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари иқтисодий соҳада ҳам жадал ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил июнь ойида Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, икки томоннинг ҳам имкониятларини кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Форумда хитойлик ишбилармонлар юртимизда изчил амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни, иқтисодий тизимни тараққий эттиришга хизмат қилаётган ислохотларнинг бориши билан танишди. Тадбирда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси имкониятлари, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

«Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОСА) иштирокида ташкил этилган Касб-хунарга ўқитиш марказига ўқувчилар қабул қилиниши ҳақида эълон қилади.

Марказда касб-хунарга ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) куйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади:

автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариш (токалар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электрлаштириш, автоматлаштириш ва электроника (электрон қурилмаларни дастурлаш, электрон машиий техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш мутахассислари), ахборот технологиялари (дастурчилар, ҳисоблаш машиналари операторлари).

Марказда юқорида қайд этилган мутахассисликлар бўйича шартнома асосида саноят ишлаб чиқариш корхоналари ишчи-ҳодимларининг малакаси оширилади. Ўзбекистоннинг меҳнат бозорига талабга эга бўлган касблар бўйича иш излаётган шахслар пуллик асосда қисқа муддатда ўқитилади ва малакаси оширилади ҳамда хорижга ишга юборилаётган фуқаролар кетишдан олдин пуллик асосда тайёрланади ва мослаштирилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш — 2012 йил 5 ноябрдан 25 ноябргача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 даҳаси. Телефонлар: (+99871) 251-19-03, 251-26-44.

Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказига қабул қилиш унда ўқиш истагини билдирганларнинг ихтиёрий танловига мувофиқ, мутахассислик ва касб-хунар бўйича туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг йўланмалари асосида амалга оширилади.

Ўқиш муддати — 1 йилгача.

Тошкент шаҳар касб-хунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касб (мутахассис)ликлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом (сертификат) тоширилади.

Қабул учун зарурий ҳужжатлар:

паспорт, паспорт нусхаси, коллеж ва лицей (11-синф)ни битирганлик тўғрисида диплом (гувоҳнома), туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўланмаси, тиббий маълумотнома (086 шакл), СТИР нусхаси, фотосурат (3,5x4,5 см.) 6 дона, мутахассис тайёрлаш бўйича 3 томонлама шартнома.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 даҳаси. Телефонлар: (+99871) 251-19-03, 251-26-44.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

институт кафедраларининг қуйидаги кафедра мудири лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:

- Аналитик, физикавий ва коллоид кимё кафедраси.
Саноят экологияси кафедраси.
Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси.
Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси.
Озиқ-овқат санояти машина ва жиҳозлари — механика асослари кафедраси.
Биотехнология кафедраси.
Касб таълими кафедраси.
Олий математика кафедраси.
Физика ва электротехника кафедраси.

Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: (8-371) 244-79-31.

«КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Жиззах вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси ва Кичик халқа йўли кўчаларида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси тарқоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 824 257 753 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 23 ноябрь кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан Зарбдор тумани

суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 21 ноябрь кuni соат 18.00.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16.

Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 ноябрдаги 19-1006-7/13585-сонли, 2008 йил 15 декабрдаги 19-0605-9-5626-сонли, 2010 йил 3 майдаги 19-1002/5512-сонли, 2010 йил 26 февралдаги 19-1003/2295-сонли, 2009 йил 10 августдаги 19-0906/5591-сонли, 2011 йил 11 октябрдаги 19-1103-07/11837-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, «Уқизил» ҚФЙ, Паррандачилик маҳалласида жойлашган, «Уқизил моддий-техника таъминот» МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Умумий фойдаланиш майдони 387,28 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат Е литердаги таъмирталаб омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 43 096 003 сўм.

2. Умумий фойдаланиш майдони 274,56 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат 3 литердаги таъмирталаб бостирма.

Бошланғич баҳоси — 13 772 898 сўм.

3. Умумий фойдаланиш майдони 291,60 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат К литердаги таъмирталаб бостирма.

Бошланғич баҳоси — 11 191 415 сўм.

4. Умумий фойдаланиш майдони 360,0 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат Е литердаги таъмирталаб бостирма.

Бошланғич баҳоси — 15 067 105 сўм.

5. Умумий фойдаланиш майдони 60,80 кв.м., 1 қаватли, 3 хонадан иборат Л литердаги таъмирталаб омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 8 062 069 сўм.

II. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан, Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2012 йил 28 мартдаги 20-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 25-уй, 26-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 69,4 кв.м., 1971 йилда қурилган, 3 хонадан иборат, 4-қаватда жойлашган яшаш уйи қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 33 900 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 декабрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 10 декабрь кuni соат 18.00.

III. Шунингдек, аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 майдаги 19-1203/3881-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Истиклол маҳалласида жойлашган, «Нуриддин Шарапов» хусусий корхонасига тегишли, фойдали майдони 434,46 кв.м., 12 та хонадан иборат бўлган, 2 қаватли, 2005 йилда қурилган, А литердаги «Истиклол» маҳалла гузари биноси 5 фойзага арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 53 437 500 сўм.

2. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 февралдаги 19-1208/843-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласи, Марказий бозор ҳудудида жойлашган, «Ҳикмат ёдуси» хусусий корхонасига тегишли, фойдали майдони 261,45 кв.м., 8 та хонадан иборат бўлган, 1 қаватли, 1994 йилда қурилган, А литердаги савдо дўкони биноси 5 фойзага арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 32 062 500 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 26 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 23 ноябрь кuni соат 18.00.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзидан ишлаб чиқариш маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.



«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: Яқкасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 7 августдаги 10-1109/5036-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта Қазни кўчаси, 18-уйда жойлашган, «Мадад» акциядорлик жамияти сўғурта агентлигига тегишли, умумий майдони 4725,0 кв.м. бўлган 9 қаватли ертулаи, собик 240 ўришли ётоқхона ва қаҳвахона бинолари.

Бошланғич баҳоси — 2 717 328 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 11 декабрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 26 декабрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Advertisement for Micros scales. Features images of various scale models and text: 'ТАРОЗИЛАР 0,0001 гр.дан 250 тоннагача', 'ИЖАРАГА кран тарозилари бор', 'Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис'. Contact info: www.micros.uz, scales@ucd.uz.

Advertisement for IP cameras. Text: 'IP камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения'. Features: 'Превосходная детализация изображения', 'Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов'. Contact: 238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz.

Advertisement for ZAKAMSK-GROUP. Text: 'РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ'. Features: 'КАФЕЛЬ (девор ва пол учун) САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва қўлвугичлар)'. Contact: (+99893) 546-87-45, 267-35-73. zakamsk-group@mail.ru.

Истеъдод ва шижоат намойиши

Кеча пойтахтимизда IV Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танловининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир "Фонд Форум", Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Форум юниор спорт" болалар спорт мажмуаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танлов



Танловда юртимиздаги 34 та рақс жамоаси, шунингдек, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларидан келган ёш истеъдод соҳиблари қатнашапти. Эътиборлики, бу йилги тадбир мазмун-моҳият ва кўлами жиҳатидан аввали йиллардагига нисбатан бирмунча фарқ қилади. Чунки бу гал лойиҳа доирасида фақат миллий ва замонавий рақслар беллашувидан ташқари, турли кўргазмалар, роллер, скайтер ҳамда велосипед ва мототранспорт ҳайдовчиларининг танлови, жажонга машур рақслар иштирокидаги маҳорат сабоқлари бўлиб ўтмоқда.

Халқаро рақс танловида иккинчи бор иштирок этаямиз, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказининг "Асал" ашула ва рақс ансамбли бадий

раҳбари Ширин Файзиёва. — Жамоамизнинг 30 га яқин аъзоси бугунги беллашувда ўз истеъдодини намойён қилишга муваффақ бўлди. Болалар рақслари "Дилхирож" ҳамда испан халқ рақсини ижро этишди. Хайъат аъзолари ва томошабинлар уларнинг ижро услуби, шунингдек, актёрлик маҳоратини юксак баҳолашди. Бундан ташқари, биз, мутахассислар тажрибали санъаткорларнинг композицияни саҳналаштириш,

либослар танлови, мусиқа ва ҳиссиёт уйғунлиги борасидаги қимматли тавсияларидан баҳраманд бўлдик. Танловнинг спорт пластикаси йўналиши иштирокчилари ҳам бири-бирдан қизиқарли чиқишларини намойиш этиб, ўзаро беллашмоқдалар. Хусусан, Parkour спортига қизиқувчи 14 ёшли Шерзод Обулов ушбу йўналишда илк бор ана шундай нуфузли халқаро танловда қатнашмоқда.

— Parkour билан олти йилдан буюн шуғулланаман, — дейди у. — Жаҳондаги таниқли паркур усталари маҳорати ва ютуқларига жуда ҳам ҳавас қиламан. Чунки улар учун баландликдан сакраш шунчаки кўркунинг энгиши эмас, балки ҳаёт мазмунига айланиб қолган кундалик машғулоти. Parkour жасурликни, ўткир нигоҳ ва кучли рўйи тайёргарликни талаб этади. Бунинг учун эса мунтазам шуғулланиш, жисмонан соғлом бўлишга интилиш зарур. Ҳозиргача 6 метргача баландликдан сакрашни удаладим, келгусида янада юксакроқ чўқкиларни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган ана шундай шижоатли ёшларни жамлаган хореография ва спорт пластикаси танлови кизгин беллашувларга бой тарзда кечмоқда. Кўрининг голиби ва совриндорларини тақдирлаш маросими ҳамда якуний гала-концерт 9 ноябрь кунини ўтади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

Ғамхўрлик

"Sen yolg'iz emassan" республика жамоат фонди ташаббуси билан пойтахтимиздаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбири ўтказилди.

Ёш спортчилар беллашуви

Унда спортнинг волейбол, баскетбол, минифутбол, югуриш сингари бир неча турлари бўйича ўтказилган беллашувларда 120 нафар ёш спортчи иштирок этди.

Айтиш жоизки, бугун юртимизда ҳар бир бола юксак эътибор, ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб улғаймоқда. Айниқса, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари алоҳида эъозланиб, уларга кенг имкониятлар яратиб берилганлиги болаларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

— Спортнинг енгил атлетика турига қизиқаман. Масофа югуриш бўйича пойтахтимизда ташкил этилган кўлаб мусобақаларда қатнашиб, бир неча бор голиб бўлганман, — дейди 31-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Виктория Митина. — Қолаверса, расм чизиш ва рақс тушиш ҳам жону дилим. Спорт энг сеvimли машғулотларимдан биридир.

Тадбирда 9 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш спортчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз икитдор ва истеъдодларини намойён қилишди. Мусобақада 22-Мехрибонлик уйи спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўринлар 21 ҳамда 31-Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига насиб этди.

Яқунда ёш спортчилар тадбир ташкилотчиси — "Sen yolg'iz emassan" республика жамоат фонди томонидан медаллар ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

М. ХОЛМАТОВА.

Замонавий таълим масканлари

ёшларнинг етук ва билимдон бўлиб вояга етишлари учун хизмат қилади

синфхона энг замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Бу ерда чанг, рубооб, ноғора ва най сингари ўзбек миллий мусиқа асбобларининг барчаси бор. Ёшлар улар ёрдамида истеъдоди ва хоҳишига кўра, ўзбек халқ чолғу асбоб-

касбининг фидойиси бўлган 15 нафар ўқитувчи мусиқа ва кўшиқ сирларини пухта ўргатишмоқда. Кувончилиси, ёшлар кўлига соз тутатганларнинг 6 нафари олий маълумотли мусиқа фани ўқитувчилари бўлиб, уларнинг таълимига янгилаш ёндашуви яхши самара бермоқда. Ўқувчиларнинг турли мусиқа фестиваллари ёки кўрик-танловларда муносиб ўрин эгаллаётгани бунинг тасдиғидир.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бунинг учун эса барча шарт-шароит етарли. Яқин-яқингача туман маданият ва спорт бўлимига қарашли кўримсиз бинода санъат сирларини эгаллаётган ўғил-қизларнинг янги мактабимиз биносини кўриб, қанчалар қувонганини сўз билан таърифлаш қийин.

Дарҳақиқат, 150 нафар ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биносининг ёруғ фойе-сига кирсангиз, дилингиз яйрайди. Ҳар бир

Изланиш

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари гўзапоядан биоёнилги олиш технологиясини яратиб, амалиётга жорий этишди.

Гўзапоядан — биоёнилги

Профессорлар Раҳим Раббимов ва Фулом Узоқов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа "Муборак иссиқлик электр маркази" очиқ акциядорлик жамиятида синовдан муваффақиятли ўтказилиб, дастлабки маҳсулот олинди.

Ушбу янгиликнинг афзаллиги шундаки, у чиқитсиз технология асосида ишлайди. Яъни хом ашёни ҳавосиз вакуумда қиздириш орқали, айтайлик, 100 кг. гўзапоядан 20 фоиз ёғоч кўмир, 30 фоиз табиий газ, 50 фоиз нефтга ўхшаш суюқлик олинмоқда. Бундан ташқари, кунгабоқар, оқбош, шўра каби ўсимликлардан ҳам биоёнилги ҳосил қилиш мумкинлиги амалда ўз тасдиғини топди. Эътиборлики, мазкур жараён учун керак бўладиган хом ашё табиий газ ёки нефть қазиб олишга сарфланадиган харажатларнинг арзиманган қисмини ташкил этади, холос.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
тақдим этади:
биринчи маротаба
ва фақат бир кун!
2012 йил 10 ноябрь кунини
соат 19.00 да
«Истиклол» санъат саройида.

Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!» деб номланган жонли ижродаги **«Марди майдон»** кўшиқлар фестивали ўтказилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(8-371) 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МҲХ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.

Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун **(8-371) 241-41-06** телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Иш вақти — ҳар кун соат 10.00 дан 18.00 гача.

Корхоналар ўз тижорат таклифларини куйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй.

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO., LTD.

▲ Экскаваторы колесные и гусеничные
 ▲ Фронтальные погрузчики
 ▲ Мини-погрузчики
 ▲ Экскаваторы-погрузчики
 ▲ Вилочные погрузчики

ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ

ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссиқ сув, 118. Телефони: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60. E-mail: gsthundai@gmail.com Web site: www.hhi.uz

Реклама ва эълонлар

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқаролар диққати!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОФИ» ФИЛИАЛИ

АХОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭЪТИЁЖИНИ КОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧИЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОФИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНИ СЎРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қондалари» мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:


- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабелли линияларни устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобил, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томоқлар ташкил этиши;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи оғохлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчилик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабелли линияларни муҳофаза зонасида қудуқлар қазиб, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабелли линияларни ўтган ерда гулханлар ёқиш

КАТЯНИН ТАКИҚЛАНАДИ.

Мулкчилик шақлидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиб, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭЪТИЁР БОЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиб, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиб ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабел трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ҳамда ба масалда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисидан кўрсатилган кабел участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабел участкаси манзиллари ҳамда боғлашиш телефон рақамлари:

«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй	(8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи кабел участкаси, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй	(8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00)
Иккинчи кабел участкаси, Янгиёул ш., Чарикова к., 172-уй	(8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00)
Тошкент шаҳар кабел участкаси, Хуштаба 4-тор к., 4-уй	(8-371) 199-19-34 (соат 8.00 — 17.00)
Пахта кабел участкаси, Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй	(8-371) 199-19-36 (соат 8.00 — 17.00)
Учинчи кабел участкаси, Тўйлепа ш., Спорт к., 45-уй	(8-371) 199-19-37 (соат 8.00 — 17.00)
Ангрэн шаҳар кабел участкаси, Амир Темур к.	(8-371) 177-02-68
Бекобод шаҳар кабел участкаси, Х. Ходжимуродов 2-берк к., 18-«А» уй	(8-371) 177-06-64
«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси, Кўкшан ш., Истиклол к., 58-уй	(8-373) 552-20-11, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи кабел участкаси, Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй	(8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00)
Иккинчи кабел участкаси, Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй	(8-373) 556-05-58 (соат 8.00 — 17.00)
Учинчи кабел участкаси, Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминиора	(8-373) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00)
Тўртинчи кабел участкаси, Андижон ш., Чўлпон к., 9	(8-373) 300-03-41 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Гулистон ш., Дўстлик кўрғони	(8-367) 227-16-20, 225-49-75 (соат 8.00 — 17.00)
Сирдарё кабел участкаси, Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи	(8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00)
Иккинчи кабел участкаси, Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй	(8-367) 510-10-27 (соат 8.00 — 17.00)
Учинчи кабел участкаси, Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй	(8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00)
Кабел участкаси, Даштубод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи	(8-367) 510-10-46 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси, Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй	(8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси, Бўхоро ш., Ғиждувон к., 69-уй	(8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00)
Линия кабел участкаси, Бўхоро ш., Шейхон к., 71-уй	(8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси, Нўхус ш., Ашқобод к., 1-уй	(8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00)
Тўртқул кабел участкаси, Тўртқул ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 601-11-53, 601-12-39 (соат 8.00 — 17.00)
Тўртқул кабел участкаси, Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 601-43-86 (соат 8.00 — 17.00)
Кўнғирот кабел участкаси, Кўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 601-43-67 (соат 8.00 — 17.00)
Жаслик кабел участкаси, Кўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси	(8-361) 601-05-28, 601-14-97 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси, Термиз ш., Тараққёт к., 32-уй	(8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00)
Линия техник цехи, Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй	(8-376) 227-37-62, (8-376) 501-11-07
«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси, Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй	(8-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия техник цехи, Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй	(8-375) 221-17-25, (8-375) 505-05-12 (соат 8.00 — 17.00)
Иккинчи линия техник цехи, Ғузор ш., Ғулзор к., 23-уй	(8-375) 221-17-25, (8-375) 505-05-14 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси, Урганч ш., Дўсов к., 2-уй	(8-362) 226-36-58, 226-36-33 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Навоий ш., Қарманна к., 2-«Б» уй	(8-436) 224-74-21 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия техник цехи, Каттақўрғон ш., Чағанок кишлоғи	(8-375) 603-33-19 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи кабел участкаси, Ғиждувон ш., Фовшон кишлоғи	(8-375) 278-74-22 (соат 8.00 — 17.00)
Иккинчи кабел участкаси, Учқудуқ ш., ДЭУ кўрғони	(8-375) 603-12-84 (соат 8.00 — 17.00)

«Ерғодезқадастр» давлат қўмитаси жамоаси Самарқанд вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи **Хислат ХУДОЁРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ф. Аблов. Мусахҳач — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40. Топширилди — 21.40. 1 2 3 4 5